



ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФАОЛ ҚЎЛЛАНУВЧИ АЙРИМ СОМАТИК ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА СТРУКТУР ТАҲЛИЛИ

Толиева Шоира Илхомовна

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7370259>

ARTICLE INFO

Received: 18th November 2022

Accepted: 25th November 2022

Online: 27th November 2022

KEY WORDS

Ушбу мақолада ўзбек тилида мавжуд бўлган фаол қўлланилувчи айрим соматик фраземалар таҳлилга тортилган. Нутқ жараёнида қўлланилувчи айрим фаол фраземаларнинг семантик таҳлили очиб берилган.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ўзбек тилида мавжуд бўлган фаол қўлланилувчи айрим соматик фраземалар таҳлилга тортилган. Нутқ жараёнида қўлланилувчи айрим фаол фраземаларнинг семантик таҳлили очиб берилган.

Тил бирликларидан фарқли равишда нутқ бирликлари нутқ жараёнининг маҳсули сифатида вужудга келади. Зеро, нутқ жараёни тил бирликларининг қўлланиши, уларга хос маъно қирраларнинг намоён бўлиши учун бир вазият, коммуникатив майдондир.

Шу боисдан ҳам, нутқ жараёни турли сўзлар маъноларининг рўёбга чиқиши учун маълум шароитлар яратади. Нутқда барча лисоний бирликлар билан бир қаторда бирор ижодкорнинг индивидуал услубига хос бўлган сўз ва иборалар ҳам ишлатилади.

Улар нутқ ҳодисаси сифатида матнга ёки бирор ижодкорнинг индивидуал услубига хос сўз тарзида қолади ёки нутқий фаолиятда тезда фаоллашиб,

тил таркибига сингиб, унинг меъёрий бирлигига айланиб кетиши ҳам мумкин. Бундай сўзлар тилшуносликда неологизм, окказионализм термини билан аталади. Тилшуносликда неологизм ва окказионализм ҳақида турли фикрлар билдирилган. Баъзилар неологизм билан окказионализмни бир тушунча сифатида кўрсатсалар, бошқалар уларнинг фарқли эканлигини таъкидлайди.

Рус тилшунослигида “окказионал сўз” термини илк бор Н.И.Фелдман томонидан қўлланилгани. У бу сўзни қуйидагича таърифлайди: “Окказионал сўзлар сўз ясалишининг маҳсулдор типларига кўра йузага келади ва



уларнинг маънолари матнда мотивлашади ва изоҳланади.”¹

Г.Паул ҳам бу терминни илк бор қўллаганлар қаторида туради ва “оказионал сўз”ни узуал маънонинг зидини англатувчи термин сифатида ишлатади².

Оказионал сўзлар бўйича қатор тадқиқотлар муаллифи Ер.Ханпира шундай ёзади: “Неологизм” термини жуда ескидир. Адабиётларда ҳозиргача “неологизм” термини мавжуд бўлиб, ўрта мактабда ҳам фақат шу термин тан олинган. Янги сўзларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ кўп қиррали муаммони ёритиш учун бу биргина терминнинг ўзи йетарли эмас”³.

Олим бошқа бир мақоласида окказионал сўзларни тасодифий сўзлар (“случайные слова”) сифатида талқин қилади⁴.

Тилнинг кам қўлланадиган, баъзан ҳали маълум ва мавжуд бўлмаган, сўз яшаш қолипи асосида муайян нутқий еҳтиёж туфайли тўсатдан, фавқулодда вужудга келадиган, ижодкорнинг индивидуал ижоди бўлган нутқий ҳодиса окказионал сўз деб йуритилмоқда. Бундай сўзларга хос бўлган энг муҳим белги сифатида уларнинг матн билан чамбарчас боғлиқлиги, матндан ташқарида

тушунарли бўлмаслиги кўрсатилади. Бу фикрга еътироз билдириш мумкин.

Асарларда иборани оддий қўлланишдаги сўз билан кенгайтириш (мураккаблаштириш) ўша ибора таркибига бирор семантик ёки грамматик ўзгариш киритади, шу асосда умумтилга хос иборанинг экспрессив бўёқдорлиги ортади. Таниқли ёзувчимиз Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасида ҳам ибора кенгайтирининг бир неча кўриниши мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ибора таркибига унинг бирор компонентига тегишли, ўша компонентини аниқлаб, изоҳлаб келувчи сўз ёки ўхшатиш бирикма киритиш. Одатда, бундай кенгайтириш феъл фразеологизмларда кўпроқ йуз беради, бундай ибораларнинг компонентларидан бири изоҳланади ва кенгайтирилади. Масалан, адабий тилда “кўзлари қиниъдан чиқиб кетмоқ” ибораси “ўта ғабланмоқ” маъносини билдиради. Адиб асарида “кўзлари қинидан чиқиб кетмоқ” ибораси таркибини “ғайн олхуридек” бирикмаси ёрдамида худди шу усулда кенгайтиради, шу асосда ибора ифодалаётган маънонинг конкретлашувига еришади. Тепамда латта кўйлакли, бир кўли билан истибро кесагини ушлаган, ҳар бир кўзини ғайин олхўридек қинидан чиқиб кетган домлапоччам турар еди (129).

Умуман олганда, фразеологизмлар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлганлиги, турғунлиги сабабли, бир қарашда уларнинг структурал тартиби ўзгармасдек туйулади. Аммо нутқда, айниқса, бадий ва публицистик нутқда, шеърий матнларда фразеологизмлар маълум ташқи, яъни

¹ Фельдмен Н.И. Оказиональные слова и лексикография. // Вопросы языкознания. – 1957. - №4. -С. 66.

² Пауль Г. Принципы истории языка. – М.: Изд. иностр. литературы, 1960. - С. 93-127.

³ Ханпира Эр. Смысловая структура окказионального слова // Русский язык в школе. – 1966. - №6. -С. 30.

⁴ Ханпира Эр. Об окказиональном слове и окказиональном словообразовании // Развитие словообразования современного русского языка. - М.: Наука, 1966. - С. 155.



структурал ва ички, яъни семантик ўзгаришларга учрайди. Кўзим оғилхонанинг томига кўйилган нарвонга тушиб қолди (130). Бу ўринда ҳам “кўзи тушмоқ” ибораси “тўсатдан кўриб қолмоқ” маъносида келган. -Ўзлариям ўлгунча кўзи тор, зиқна, мурдор одам, пул бўлса бўлгани,-деди хотин. “Кўзи тор” фраземаси “ўзгага ҳеч нарсани раво кўрмайдиган; зиқна, бахил” маъносида қўлланган бўлиб маънони янада кучайтириш учун хизмат қилади.

Умумтилдаги “ўтмас пичоқ билан сўймоқ” ибораси “руҳан азобламоқ” маъносини англатади. Ёзувчи “Зулм” ҳикоясида ушбу иборани қуйидагича ифодалайди: Нима деса ҳам майли, жим турмаса бас... Унинг жим туриши ўтмас пичоқ билан сўйишдан баттар еди (Тоҳир Малик. “Зулм”, 189-бет). “Охират” ҳикоясида еса бу иборани бироз ўзгартириб қўллайди: Бу гапнинг сабабини сўраб, дилимни ўтмас пичоқ билан тилманг, устоз, – дебди бева йиғлаб (“Охират”. 287-бет). Ёзувчи ибора таркибидаги “сўймоқ” компонентини “тилмоқ” компоненти билан алмаштириш ва ибора таркибига “дилимни” сўзини қўшиш орқали ифодаланаётган маънони янада конкретлаштиради, таъсирчанлигини

оширишга ҳаракат қилади. Ёки адабий тилдаги “умид(и) узилди” ибораси кимнинг нимадан ёки кимдандир кўнглидаги охирги илинжи ҳам ёъқолгани маъносини англатади ва унинг умид узмоқ, умидни узмоқ, умид ришталари узилди каби вариантлари мавжуд (ЎТИФЛ, 1992). Ёзувчи асарларида еса бу ибора ҳар гал янги бир маъно нозикликлари билан бирга қўлланилган. “Фалак” ҳикоясини ўқир эканмиз, йўқоридаги иборанинг ўзига хос кўринишга ега бўлган вариантга дуч келамиз: Ажал шамоли умидим сомонини ҳам, умр дона сини ҳам совуряпти (“Фалак”, 32-бет). Келтирилган гапда “умид сомонини совурмоқ” ибораси ёзувчи томонидан яратилган окказионал иборадир. Соматик фразеологик бирликлар таркибида амалга ошириладиган озгина шаклий ўзгаришлар ҳам сўз семантикасида таъсир қилиши ва муайян стилистик нозикликларнинг йузага келишига сабаб бўлиши мумкин. Фразеологизмлар мазмун-моҳиятидаги номинативлик ва қўшимча оттенкаларни ифодалаш, экспрессивлик хусусияти уларнинг мустақил тил бирлиги сифатидаги статусини белгилайди.

References:

1. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент шаҳри: Ўқитувчи, 1992., Б.101.
2. Қўчқортойев И. бадий нутқ стилистикаси. - Тошкент, 1975.
3. Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. - Самарқанд.
3. Ғулом. «Шум бола». Тошкент шаҳри. 1989-йил.
4. Ш. Раҳматуллаев Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент шаҳри, 1992.
5. Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент шаҳри, 2006.
6. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати». «Ўзбекистон миллий энсиклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Тошкент шаҳри, 2006-2008-йиллар.